

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ОХАНГЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Алимова Мохинур Хушниджон қизи**

Наманган давлат университети 1-курс магистранти

### Аннотация

Хозирги кунда Ўзбекистон бастакорлар ижодини кузатиб бориб шуни сезиш мумкин-ки, ўзбек халқининг дурдонаси бўлмиш мақомлардаги, халқ куй-қўшиқларидан, ялла-лапарларидан бахшичилик санъатидан илхом олиб ўз асарларида акс эттиришмоқда. Ушбу асарлар орқали миллий қадриятларимиз қисми бўлган мусиқа санъати миллий оханглар ҳар томонлама ривожланиб бормоқда.

Мақсадимиз келгуси авлодга миллий мусиқа санъатимизни чиройли жилолантириб, бус-бутун етказиб бериш, ўзбек композиторлари асарларининг хорижий мамлакатлар сахналарида янграшини таъминлаш, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва санъат орқали дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдан иборат. Калит сўзлар: Миллий оханг, мусиқа, болалар қўшиқлари, президент қарори, умумтаълим мактаб, бошланғич синф, Шермат Ёрматов, кўрсатув ва радио эшиттиришлар.

**Калит сўзлар:** мусиқанинг ўзида, куй, сўз, тембр, лад, ритми. Болаларга хос ва мос куй ва қўшиқларимиз. Умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларига мусиқа тарбияси беришнинг асосий вазифалари. Ўзбекистон мусиқа санъатини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш.

“Давлатнинг куч-кудрати унда қандай мусиқа янграёганлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир”, – деб айтиб ўтган Афлотун. Мен бу жумлаларни бежиз келтириб ўтмадим ҳозирги пайтда жуда кўплаб енгил-елпи қўшиқлар кўпайиб кетди ва бунинг таъсирида кўплаб ёшларимиз шу қўшиқларнинг ортидан эргашишмоқда ва ўз ўзидан миллий охангларимиз бир четда қолиб кетмоқда. Бунинг ечимини

қандай бартараф этса бўлади деган савол барчада туғилиши турган гап. Менинг фикримча болаларга ёшлигидан (боғча, мактаб) лардан бошлаш керак. Болалар боғчаларида турли хил ўйинлар тарзида (“оқ теракми - кўк терак”, “бойчечагим бойланди”.....). Болаларга хос ва мос куй ва кўшиқларимиз жуда ҳам талайгина. Умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларига музика тарбияси беришнинг асосий вазифаларидан бири музикага хавас уйғотиш, музиканинг ҳаётий мазмунини тушунишни шакллантиришдан иборатдир.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев 2022/ 2023-ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларга миллий музика чолғуларидан камида биттасини чала олиш махорати ўргатилади ва уларнинг шаходатномасида қайд этилиши ҳақида президент қарори ишлаб чиқилиши ҳам бежиз эмас албатта. Биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларни музикага қизиқтириб бориш учун энг аввало ўқитувчи болаларни севиши, дарсга яхши тайёргарлик кўриши, музика ўқитишнинг барча метод ва тамойилларидан тўғри фойдалана олиши. ширинсўз бўлмоқлиги, болаларга хос кўшиқларни майин чиройли болалар овозига мослаб ижро этишга ўргатишлари талаб этилади. “Булбулча” болалар хори бадий раҳбари, композитор, педагог Шермат Ёрматовга “болалар музика тарбиясида қандай юқори натижаларга эришиш мумкин деган саволга Ш.Ёрматов шундай жавоб берганлар: “Асосий сабаб, асосий сир музиканинг ўзида, куй, сўз, тембр, лад, ритм гўзаллиги болаларни ўзига мафтун этади, ижодга, артистлик санъатига бўлган қизиқишни уйғотади. Кейин, мен ҳеч қачон болаларни уришмайман, балки уларни сабр-тоқат билан, диққат билан тинглаб, ҳар бирига мос тарзда алоҳида ёндашишга ҳаракат қтламан, қолган барча ишни музиканинг ўзи, унинг ажойиб, буюк қудрати амалга оширади” деб жавоб берганлар устозимиз. Уларнинг болалар учун жуда кўплаб куй-кўшиқлари бор ва ҳозирги пайтда ҳам болажонларимиз севиб ижро қилишади. Болаларни мафтун қилишининг асосий сабабларидан бири улар қувноқ ва ранг баранглилиги билан ажралиб туради. “Дадамларга ўхшасам”, “Ўйнадик ҳеч тўймадик”, “Ўн бештамыз беш олдик”, “Айёмларинг муборак”, “Баҳор”, “Ғилдирагим”, “Нурли авлод”, “Онажоним”, “Оймоможон ром бўлди”,

“Хўрозим”, “ Сумалак “ , “Умиджон полвон” ва х.к ва кўплаб бошқа кўшиқлар Ш.Ёрматов қаламига мансуб. “Қўшиғим, жон кўшиғим”, “ Биргшаликда куйлаймиз” телекўрсатувлари, “Қўшиқ сеҳри” радиоэшиттиришлари алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур кўрсатув ва эшиттиришларда Ш.Ёрматов мусиқанинг, сўзнинг улуғвор қудрати хақида гапиради ва болажонларга ўргатади. Бу кўрсатув ва эшиттиришлар кўплаб мусиқа ўқитувчилари мусиқа тарбиячилари учун амалий ёрдам ва катта услубий қўлланма бўлди десак янглишмаган бўламиз. Ушбу кўрсатувларни тарбиячилар дафтарларига, флешкаларига ёзиб олиб бемалол фойдалансалар ва ёш авлодга ўргатсалар булади. Жаҳон маданияти таркибида ўз мавқеини кун сайин мустахкамлаб бораётган Ўзбекистон мусиқа санъатини янада ривожлантириш, такомиллаштириш мавжуд камчиликларини жадал бартараф этиш зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари;
2. Қодиров Р.Ғ “ Мусиқа педагогикаси” Тошкент-2012;
3. Т.Ғофурбеков “Ўзбекистон мусиқа маданияти” Мусиқа нашриёти, Тошкент-2019.